

АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИ ҚЎРСАТГИЧЛАРИ

Дилсўз Абдухалимовна Олимова

Қарши давлат университети Педагогика институти Тиллар факультети
Гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси

КИРИШ

Қашқадарё вилояти Республикамизнинг жанубий томонида жойлашган бўлиб, ҳудуди 28,6 минг² километрдан иборат. Қашқадарё вилояти Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятлари шунингдек, Тожикистон ва Туркменистон Республикалари билан чегарадош. Вилоят аҳолиси 2706,1 минг киши бўлиб, 2010 йилга нисбатан аҳолининг ўсиш суръати 101,3 фоизни ташкил қилиб, аҳоли зичлиги 1 кв. километрга 94,6 кишини ташкил қилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Вилоятда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми 4111,1035 млрд. сумни ташкил этади. Вилоят куп тармоқли иқтисодиёти ривожланган ҳудуд ҳисобланиб, 1175 та хужалик юритувчи субъектлардан 1175 таси табиий ресурслардан фойдаланувчи ва атроф муҳитга таъсир утказувчи объектлар сифатида руйхатга олинган.

Шу жумладан:

- назоратга олинган атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқарувчи корхона ва ташкилотлар сони 340 тани ва улардаги ифлослантирувчи манбалар сони 7452 тани шундан 2941 та ташкилланган манбаларни, чанг ушлаш мосламалари билан жиҳозланган манбалар сони 387 тани ташкил қилади.

1. Вилоятда атмосфера ҳавосига ташланаётган зарарли моддалар миқдори 2019 йил якуни буйича қуйидагиларни ташкил қилади:

- Саноат корхоналари буйича 145,594 минг тоннани ташкил қилиб, ўтган 2017 йилга нисбатан 0,408 минг тоннага кўпайган (дастлабки маълумотлар буйича). Сабаби асосий йирик корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати кўпайганлигидадир;

- Кучма манбалардан 55,89 минг тонна зарарли моддалар ташланиб, 2017 йилга нисбатан ташламалар миқдори 10,6 минг тоннага камайган.

• Доимий манбалардан атмосфера ҳавосига ташланаётган асосий ингредиентлар буйича, қаттиқ ҳолдаги моддалар ўтган йилга нисбатан 0,757 минг тоннага камайган, газсимон ва суюқ ҳолдаги моддалар 1,164 минг тоннага кўпайган (дастлабки маълумотлар буйича).

• Вилоятда жами 2941 та ташкилланган доимий манбалар мавжуд, шулардан 387 таси чанг ва газ ушлаш қурилмалари билан жиҳозланган бўлиб, қурилмаларнинг лойиҳа қуввати 20291,81 минг м. куб газ/соатни ташқил қилади.

• Корхона ва ташкилотларда ҳосил бўлаётган атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи умумий зарарли моддаларни 2017 йилда 76,8 фоизи тутиб қолинган бўлса, 2019 йилда ушбу кўрсаткич 76,3 фоизни ташқил қилди.

• «Узмевасабзавотузумсаноат» ХҚ, «Узсельхозснабремонт», «Узнефтмаҳсулоти», «Узбекнефтгаз» МХКомпаниясига қарашли айрим корхоналар томонидан ташланаётган ташламалар чанг ва газ ушлаш қурилмаларисиз, тутиб қолинмасдан ташланмоқда.

• Вилоят ҳудудида атмосфера ҳавосини ифлосланиш даражасини вилоят гидрометеорология марказининг Қарши шаҳридаги 2 та, Муборақ шаҳридаги 2 та, Шаҳрисабз шаҳридаги 2 та, Китоб шаҳридаги 1 та, жами 7 та доимий қузатув постлари орқали амалга оширилади.

(РЭМ миқдори буйича)

т/р	Ингредиентлар номи	Ҳисобот даврида	Утган йилда
Қарши шаҳри буйича			
1	Чанг миқдори	-	-
2	Олтингугурт (II) оксиди	0,021	0,023
3	Углерод оксиди	-	-
4	Азот (II) оксиди	0,017	0,019
Шаҳрисабз шаҳри буйича			
1	Чанг	-	-
2	Олтингугурт (II) оксиди	0,013	0,013
3	Углерод оксиди	-	-
4	Азот (II) оксиди	0,010	0,010
Муборақ шаҳри буйича			
1	Чанг	-	-
2	Олтингугурт (II)	0,031	0,033

	оқсиди		
3	Углерод оқсиди	-	-
4	Азот (II) оқсиди	0,027	0,023

• Гидрометеорология кузатув постларида ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, 2019 йилда меъеридан ошганлик ҳолатлари аниқланмаган.

Вилоятда 17 та чиқиндихона мавжуд бўлиб, 135,35 га майдонда жойлашган. Шаҳар ва туман инспекциялари томонидан тақдим қилинган маълумотларга асосан, жойлардаги марказий чиқиндихоналарга бир йилда 15414 тонна турли ҳил чиқиндилар жойлаштирилган.

«Изланиш» илмий ишлаб чиқариш фирмасидаги рециркуляция қиладиган ускунани игнаси носоз бўлиб қолганлиги ва филтрлари 2000 йилдан буён тугаб қолганлиги сабабли ҳозирги кунда фаолият қурсатмаяпти.

Атмосфера ҳавосини фаолиятига таъсир кўрсатувчи корхоналар, иншоотлар, транспорт магистраллари ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш қуриш ва фойдаланишга топшириш ишлари буйича вилоятда лойиҳалаштирилаётган объектларни ва фойдаланишга қабул қилинаётган объектларни назорат қилиш мақсадида барча шаҳар ва туман ҳокимликларида тузилган ишчи комиссиялар таркибига шаҳар-туман инспекциялари бошлиқлари киритилган ва қонун талабларини бажарилишини таъминлашга эришилмоқда.

• Ўзбекистон Республикаси «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тугрисида» ги қонунни 24-моддасида келишилган атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга оид тадбирларни бажарилиши шундан

- Республика аҳамиятида – 4 та тадбир;
- Худудий аҳамиятида – 1 та тадбир;
- Рухсат этилган чегаравий чиқарилма меъерий ҳужжати (ПДВ) буйича эришиш;

• Ташкиллаштирилган-техник ва капитал қурилма буйича – 7 та тадбир тулиқ ёритилган.

2019 йилда корхона ва ташкилотлар томонидан атмосфера ҳавосини муҳофазасига қаратилган 7 та техник-ташқилий тадбирларни бажариш учун 4895325,57 минг сум режалаштирилиб, тадбирлари барчаси бажарилган ва 4895325,57 минг сум сарфланган. Бажарилган тадбирлар ҳисобига 4420,668 тн

ис газини атмосфера ҳавосига чиқарилиши камайтирилган. 6,42188 млрд.куб.м йулдош газлар утилизация қилинди. 1546,57 м³ табиий газни атроф муҳитга чиқиши камайтирилди. Муборақ газни қайта ишлаш заводида олтингугурт олиш 3-цеҳидаги 5-сонли курилма таъмирланиши ва янги катализаторлар алмаштирилиши натижадасида олтингугурт ажратиб олиш конверсия даражаси 1,5-2 фоизга ошди ва 960 тн SO₂ камайди.

Вилоятда энг кўп атмосфера ҳавосига зарарли моддалар ташлаётган корхоналар асосан «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компаниясига қарашлидир.

Буларга мисол қилиб: "Муборақ газни қайта ишлаш заводи" 20107 йилда 76,835 минг тонна бўлган булса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 80,684 минг тонна бўлган.

Бундай кўпайишига асосий сабаб:

Муборақ газни қайта ишлаш заводи 2019 йилда 2017 йилга нисбатан юқори олтингугуртли газларни қайта ишлашга қабул қилиш, 8431591 минг.м³ - 7747126 минг.м³ = 684465 минг.м³га қупайган, шунинг натижасида атмосферага 0,0135 х 684465 х 0,08 х 3,12 х 2 = 4613 тонна SO₂ кўп чиқарилган. Машғала хужалигига ёниш учун ташланадиган газлар камайганлиги сабабли углеводородлар миқдори 17,6 тоннага камайган.

Йирик объектлар буйича чиқарилгани тақсимлаш қуйдаги жадвал тўлиқ ёритилган.

Буни қуйидаги жадвалдан ҳам қуриш мумкин: /минг тонна ҳисобида/.

№	Ташкилот ва қорхоналар номи	Зарарли моддалар миқдори		Рухсат этилган меъёр
		2010 йил	2011 йил	
1	Муборақ газни қайта ишлаш заводи	76,835	80,684	97,360
2	Шуртаннефтгаз унитар шуба қорхонаси	19,273	19,128	34,807
3	«Муборақнефтгаз» унитар қорхонаси	28,864	26,819	73,150
4	Талимаржон ИЭС	3,208	3,452	4,671
5	Шуртангаз қимё мажмуаси	1,979	1,833	2,589
8	Муборақ иссиқлик энергия маркази	0,382	0,402	2,006

2019 йил "Тоза ҳаво" тадбирининг I -босқичи бўйича:

- автомобилларга ёқилги қуйиш шаҳобчаси – 2 та.

Ушбу тадбирда атмосфера ҳавосига автотранспорт воситаларидан ажралиб чиқаётган заҳарли газлар ва тутун миқдорини аниқлаш мақсадида махсус асбоблари газоанализатор «Автотест», "121 ФА -01", дымомер "ҚИД-2", "Мета-01 МП" ёрдамида вилоят бўйича жами 7283 та автомашина текширувдан ўтказилди.

Шундан:

- Бензин ёқилғисидан ишлайдиган – 5638 та автотранспорт воситасидан 659 таси белгиланган меъёридан ортиқ чиққан, фоиз ҳисобида 11,7 % ни ташкил этади;

- Дизел ёқилғисидан ишлайдиган – 645 та автотранспорт воситасидан 93 таси белгиланган меъёридан ортиқ чиққан, фоиз ҳисобида 14,4 % ни ташкил этади.

Автотранспорт қорхоналарнинг кириш ва чиқиш жойларида 336 та автотранспорт воситалари текширувдан ўтказилди. Шундан:

- Бензин ёқилғисидан ишлайдиган – 217 та автотранспорт воситасидан 44 таси белгиланган меъёридан ортиқ чиққан, фоиз ҳисобида 20,3 % ни ташкил этади;

- Дизел ёқилғисидан ишлайдиган – 119 та автотранспорт воситасидан 25 таси белгиланган меъёридан ортиқ чиққан, фоиз ҳисобида 21,0 % ни ташкил этади.

"Тоza ҳаво" тадбирининг I -босқичини ўтказиш давомида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш бўйича:

2. Таклифлар.

– Атмосфера ҳавосини ифлосланишини доимий назорат қилиш ва тезкор таҳлил ишларни амалга ошириш учун кўчма лабораториялар ташкил қилиш;

– Вилоятдаги автотранспорт воситаларини ис газлари ва зарарли тутун миқдорларини меъёрларга мослигини доимий назорат қилиш мақсадида «Кўчма экологик диагностика постни» ташкил қилиш;

– Атмосфера ҳавосига етказилган зарарни ҳисоблаш қуланмасини ишлаб чиқиш;

– Қорхона ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланилган атмосфера ҳавоси ҳисоблаш қуланмасини ишлаб чиқиш ва туловларга тортиш механизминини ишлаб чиқиш лозим.

REFERENCES

1. Бобомурадов З.С. Элементы технологии возделывания кормового нута на серозёмах Самаркандской области. // Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.с/х.н. Самарканд. 1997. с.21.
2. Бобомурадов З.С., Хамдамов И.Х., Савкина Л.В. Нут – кормовая культура. // Сельское хозяйство Узбекистана. 1996. № 6., с.11.
3. Мустанов С.Б. Элементы технологии возделывания нута на поливе // Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.с/х.н. Самарканд. СамСХИ. 1993. 22 с.
4. Хамдамов И.Х., Бобомурадов З.С., Умирзаков Б.Э., Усаров З. Хашаки нўхат намуналарини ўрганиш натижалари // Суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалик экинлалари селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологиясининг муаммолари (Республика илмий конференцияси) 19-20 июль. 2006 й. Самарқанд 2006. 180 б.
5. Хамдамов И.Х., Ходжаева Н.Ж., Мустанов С.Б., Разветие и урожайность сортов нута при различных весенних сроках посева. // Фан чорраҳалари. Илмий тўплам. Самарқанд. 2005. 123137 б.
6. Хамдамов И.Х., Шукуруллаев П.Ш., Мустанов С.Б. Суғориладиган ерларда нўхат етиштириш технологиясига оид амалий қўлланма. Самарқанд. 1991. 14 б.